ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

КРИВОРОТОВ ВАЛЕРИЙ ФЕДОРОВИЧ

СУПЕРИОНЛИ ТРИФТОРИДЛАРДА LnF_3 (Ln – La, Ce, Pr) КООПЕРАТИВ ЖАРАЁНЛАР ВА ИЧКИ ҲАРАКАТЛАНИШНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ВА ДИНАМИК ПАРАМЕТРЛАРИ

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 536.46:535

Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the of doctoral (DSc) dissertation Abstract

Криворотов Валерий Федорович
Суперионли трифторидларда LnF_3 (Ln – La, Ce, Pr) кооператив жараёнлар ва ички харакатланишнинг структуравий ва динамик параметрлари ……..……. 3

Криворотов Валерий Федорович
Структурные и динамические параметры внутреннего движения и кооперативные процессы в суперионных трифторидах LnF_3 (Ln – La, Ce, Pr) ……....27

Krivorotov Valeriy Fedorovich
Structural and dynamical parameters of internal motion and cooperative processes in superionic trifluorides LnF_3 (Ln – La, Ce, Pr) …….…… …51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….55

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

КРИВОРОТОВ ВАЛЕРИЙ ФЕДОРОВИЧ

СУПЕРИОНЛИ ТРИФТОРИДЛАРДА LnF_3 (Ln – La, Ce, Pr) КООПЕРАТИВ ЖАРАЁНЛАР ВА ИЧКИ ХАРАКАТЛАНИШНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ВА ДИНАМИК ПАРАМЕТРЛАРИ

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/FM137 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.iplt.uz) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирган.

Илмий маслаҳатчи:	**Мирзаев Сирожиддин Зайниевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мамадалимов Абдугафур Тишабаевич** физика-математика фанлари доктори, академик
	Оксенгендлер Борис Леонидович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ибрагимова Эльвира Меметовна физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	**Физика-техника институти**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____»_____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, email: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____ куни тарқатилди.

(2019 йил «____»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Т. Усманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда, сўнги йилларда баъзи қаттиқ жисмли материалларда аномал интенсив ички ҳаракатланиш, уларнинг техника ва энергетиканинг кўп соҳаларида муваффақиятли қўлланилиш қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган, қаттиқ жисмлар физикаси ва физикавий кимё ҳамда молекуляр физика соҳалари туташган жойда вужудга келган, янги физика ва кимё йўналишлари билан аниқланувчи тартибсиз қаттиқ тизимларни тадқиқ қилишга бўлган қизиқиш пайдо бўлди. Бундан ташқари, ноодатий тез ички ҳаракатланиш ҳодисалари етарли даражада кенг соҳадаги кўпгина моддаларда, хусусан суперион (СИ) ёки қаттик электролит деб номланувчи аномал юқори ички ҳаракатчанликка эга бўлган ионли материалларда содир бўлади. Кўп ҳолларда СИ турдаги ўтказгичларларнинг ион ўтказувчанлик қиймати кучли эликтролитли эритмалар ва қотишмаларнинг ўзига хос бўлган қийматига яқин. Ҳозирги кунда, ўзига хос моддалар синфини ҳосил қилувчи СИ материаллар ўзининг ноодатий, қаттиқ жисмлар физикаси ва физикавий кимёнинг фундаментал муаммолари нуқтаи назаридан ҳамда амалий жиҳатдан фавқулотда ғоятда қизиқ, ажойиб хусусияти билан кенг доирадаги тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда

Бугунги кунда, дунёда электр энергиясининг иккиламчи автоном манбаларини - юқори зичликка эга аккумуляторлар ва батареялар, энергияни тўпловчи конденсаторлар, шунингдек электрохром дисплейлар, турли хил маълумот конверторлар, турли моддалар таркибини таҳлил қилиш учун электрокимёвий сенсорлар ва бошқа функционал электр қурилмаларни яратишда СИ материаллар муваффақиятли қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда анион турдаги СИ ўтказгичли материаллар синфининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. LnF_3 (Ln–La, Ce, Pr) СИ кристаллари мисолида кристалл панжарадаги “эриш” нинг физик моделлари тўғрисидаги тадқиқотлар ва фазавий ўтиш соҳасидаги ички кристаллик потенциал рельфлар динамикасининг тавсифи янги истиқболли материаллар олишда долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мамлакатимизда илм-фаннинг муваффақиятли ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фундаментал тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий йўналишлари ва уларни амалий қўллаш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган стратегияда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноати ривожланишининг устиворлиги тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларишга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1].

СИ ўтказгичларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар илмий марказларда ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Москва давлат университетида (Россия), Токио университетида (Япония), Қаттиқ жисм кимёси институтида (Франция), Ноорганик моддалар физик-кимё институтида (Марокко), Санкт-Петербург электротехника университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Россия Фанлар Академияси кристаллография институти (Россия), Хитой технология университети (Хитой Халқ Республикаси)да олиб борилмоқда.

Замонавий материалшуносликда, шу жумладан юқори ўтказувчан янги наноўлчамли тизимларни олиш бўйича ва наноструктурали материалларда ион ўтказувчанликни тадқиқ қилишда жаҳон миқёсида долзарб муаммолар ҳал қилинган ва қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: бирикмаларнинг акустик, структуравий, электр ва иссиқлик физикавий хоссалари (Ноорганик моддалар физик-кимё институти, Марокко); LnF_3 панжарадаги ионли ҳаракат энергетик параметрларининг ўзига хос жихатлари (Санкт-Петербург электротехника университети, Россия); фазавий ўтиш соҳасида ҳаракатчан ионлар кўчиши ва тузилиши (Санкт-Петербург давлат университети, Россия), LnF_3 тартибсизланган панжаранинг кенг температуралар интервалида ҳаракатчан ионларнинг энтальпияси ва энтропияси (Санкт-Петербург университети қошидаги Физика институти, Россия); пленкали ва кукунли СИ материаллардаги ионли ўтказувчанлик (Россия Фанлар Академияси кристаллография институти, Россия) аниқланган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда илмий-техник тадқиқотларнинг аксарияти асосан янги авлод ион ўтказувчан материаллар олишга, СИ ўтказгичлар физикасининг фундаментал муаммоларини ўрганишга ва ишлаб чиқариш саноатида самарали қўллашга қаратилган, жумладан, юқори ўтказувчанликка эга бўлган наноструктурали бирикмалар синтез усулларини олиш, жуда катта сиғимли ионистерларни ва термик бошқарувчи элементларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан хона ҳарорати яқинида юқори ўтказувчанликка эга бўлган СИ материалларини олиш ва ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Рандоур А., Муҳаммад Омари, Иванов-Шиц А., Тиен С., Чарная Э., Алиев Э. муаллифлар бирикмаларнинг электро- ва термофизик хусусиятларининг физик усуллардан кенг фойдаланган ҳолда ўрганишган. LnF_3 панжарасидаги

[1]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот шарҳи қуйидаги манбалар асосида олиб борилди: https://journals.aps.org, https://ufn.ru, lettersonmaterials.com, phys.org, iopscience.iop.org, journals.ioffe.ru, Web of Science, Scopus, Springer, ResearchGate ва бошқа адабиет манбаларидан.

ион ҳаракати энергиясининг ўзига хос хусусиятлари Kruk A., Мурин И., Jean Senegas, Привалов А., Adams S. томонидан ЯМР спектроскопия ва валент боғлар усуллари ёрдамида, Чарная Э. Ва Плотников П. томонидан акустик-оптик усуллари орқали, Gotlib I. ва Murin I. томонидан эса молекуляр динамика усули ёрдамида ўрганилган. Шу сабабларга кўра, LnF_3 кристалларининг анионли панжарасининг "эриш" жараёнининг батафсил тавсифи етарли даражада аниқланмаган, физик механизмнинг тавсифи эса умумий тарзда берилган (муаллифлар Сорокин Н., Гуревич Ю.).

Ҳозирги кунда СИ ўтказгичлар физикасида структурали фазавий ўтишга эга СИ тартибсиз кристалл панжаралар модели нисбатан тўлиқ ёритиб берилган. Жумладан, AgI кристалли СИ учун «Строка» модели кумуш ионлари учун ўтказгич каналларидаги панжаралар симметриясининг ўзгариши ва ҳосил бўлиши билан T_c = 418 К критик температурада структуравий ўтишлар ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан яхши ишлаб чиқилган. Кристалл панжаралари эришининг физик сабаблари ва материалнинг эриш температурасидан сезиларли кичик бўлган температураларда қаттиқ жисм панжараларидаги “квази-суюқ” ҳолатнинг ҳосил бўлиш факторлари тавсифи билан боғлиқ бўлган масалаларнинг аниқ ечимлари, панжара хусусий структурали тартибсизлиги ёйилган температуралар оралиғида СИ материаллари учун мавжуд эмас. СИ ўтказгичлар бўйича илмий адабиётларда қаттиқ электролит панжараларининг “эриши” бетартиб ионлар массиви ва уларнинг ғовакларида коллектив ўзаро таъсир орқали тушунтирилади, бу эса кооператив ходиса деб аталади. Гуревич Ю., Иванов-Шиц А. Tien C. муаллифлар кўрсатишича, тартибсизланган панжарадаги зарраларарo ўзаро таъсири, ички кристалл потенциал барьерларнинг анча камайган ҳолдагина вужудга келади ва интенсив ички ҳаракатини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасида ионлар ҳаракатининг кинетик ва динамик хусусиятларини аниқлаш бўйича академик П.К. Хабибуллаев ва профессор А. Алиевлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ҳамда кристалл панжаралари эришининг сабаблари ва материалнинг эриш температурасидан сезиларли кичик бўлган температураларда қаттиқ жисм панжараларидаги “квази-суюқ” ҳолатнинг ҳосил бўлиш механизмлари қисман тавсифлаб берилган. Ҳозирги кунда СИ ўтказгичларда кўп зарралар иштирокидаги ўзаро таъсир жараёнларининг физикавий қонуниятларини тавсифлаш фундаментал ва амалий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг ФА-Ф2-Ф 081 «Қаттиқ жисмли нано ўлчамдаги структураларнинг ҳосил бўлиш жараёнларининг механизмлари ва уларнинг электрик, иссиқлик физикавий, оптик ва магнит хусусиятларини тадқиқ қилиш» (1994-1998), CRDF Uzb-05 «Суперион ўтказгичлар асосида миниатурали кимёвий ток манбаларини ишлаб чиқиш» (2002-2004), CRDF Uzb-74(J) «Электр станциялари учун литий батереяларини ишлаб чиқиш»

(2006-2008), МР-30-2008 «Янги наноструктурали ва ультрадисперс композит материаллари ва кристалл нодир ер трифторидларида суперионли ҳаракатчанликни тадқиқ қилиш» (2008-2010), ОТ-Ф2-56 «LnF_3(Ln-La,Ce,Pr) нодир ер суперионли трифторидларида ички ҳаракат ва иссиқлик узатишнинг тўлқин шакли» (2017-2020) давлат илмий-техникавий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кенг температуралар интервалида аномал интенсив ички ҳаракат механизмини ва асосий қонуниятларини ва LaF_3 структура турдаги СИ кристалларнинг “квази-суюқ” панжараларидаги зарраларараро (кооператив) ўзаро таъсир механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

LnF_3 СИ кристалларнинг тартибсизланган панжарасида фтор ионларининг ички ҳаракат энергетик параметрларини янгича интерпретация қилувчи микроскопик ёндошув доирасидаги моделнинг асосий ҳолатларини ишлаб чиқиш;

LaF_3 тартибсизланган “квази-суюқ” панжарасида зарраларараро коллектив ўзаро таъсир энергетик параметрларини тавсифловчи дипол-дипол яқинлашишда модел ишлаб чиқиш;

LnF_3 да СИ ҳолатнинг асосий термодинамик параметрлари – тартибсизланган панжара $h_d(T)$ энтальпиясини, “квази-суюқ” панжара $S_d(T)$ энтропиясини ва $F_d(T)$ эркин энергиясини аниқлаш;

LaF_3 кристалл панжаранинг қизиган ёқидан совуқроқ соҳасига алмашиб кўчаётган қоронғу ва ёруғ тасмалар дифракцион тасвирини ва бир жинсли қиздирилмаган LaF_3 кристалл панжарада иссиқлик кўчишнинг янги шаклини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти, 280-320 К температуралар интервалида юқори солиштирма ион ўтказувчанликка (~ 10^{-5}–10^{-4} См/см) эга бўлган, LnF_3 (Ln – La, Ce ва Pr) умумий формулали нодир ер енгил трифторидлар кристаллари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети СИ LnF_3 кристаллар панжарасида фтор ионларининг интенсив ҳаракат муаммоси ва ячейка ичидаги ионлар харакатланиш энергия параметрларига таъсир қилувчи, “эрувчи“ кристалл панжарада кооператив эффектларнинг тавсифи хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот ишларини олиб боришда қуйидаги физик усуллардан фойдаланилди: ноэластик ёруғлик сочилиши (комбинацион ва квазиэластик ёруғлик сочилиши), мувозанат ва номувозанатли тизимлар статистик физикаси, кристаллар молекуляр оптикаси, турли сондаги ва қаттиқ жисм панжараларидаги хар хил муносабатдаги тартибли ва тартибсиз термодинамик очиқ системалар физикаси.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ячейка ичида ионлар кўчиши билан боғлиқ параметрларнинг хақиқий қийматларини ифодаловчи, “квази-суюқ” панжарадаги фаоллаштирувчи жараёнлар энергетик параметларини тавсифловчи модел ишлаб чиқилган;

илк бор ёруғлик сочилишиниг тажриба ва моделли ҳисоблашлар маълумотларига асосан, LnF_3 кристаллари ДЭ ($T < T_c$) ва СИ ($T \geq T_c$) фазаларида мос равишда анионли панжаранинг тартибсизланиш E_a активация энергиялари ва потенциал барьерлар E_m қийматлари аниқланган;

илк бор фазавий ўтишлар соҳасида квазиэластик ёруғлик сочилиши маълумотлари асосида СИ LnF_3 кристаллари учун хар хил турдаги фтор ионларининг кўчиши учун ионлар ҳаракат яшаш вақти $(0{,}13–0{,}67)\cdot10^{-11}$ с, $(0{,}20–1{,}27)\cdot10^{-12}$ с ва $(0{,}56–1{,}27)\cdot10^{-13}$ с аниқланган;

илк бор дипол-дипол яқинлашишда нуқтавий Френкел нуқсонлар ўзаро таъсирини ўзида ифода этувчи модел ишлаб чиқилган;

илк бор аввал тажрибада кузатилмаган оптик эффект яъни лазер нурлари бир жинсли қиздирилмаган LnF_3 намунаси орқали ўтганда, юқори қизиган ёқдан камроқ қизиган соҳага йўналган югурувчи қоронғу ва ёруғ полосалар (тўлқинлар) кўринишидаги дифракцион манзара аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ионлар фаол кўчишида зарур бўлган тугунлараро бўшлиқлар шаклланиш жараёнини тавсифловчи, LnF_3 кристаллари анионли панжараси учун “ажралган тугунлар” модели ишлаб чиқилган;

LnF_3 панжарасидаги ички ҳаракатнинг энергетик параметрларини эВ нинг юздан бир улушигача аниқликда янги ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

LnF_3 кристаллари панжарасининг тартибсизланиш жараёни энергетик параметрларига кооператив эффектлар улушини тавсифловчи, дипол-дипол яқинлашиш доирасидаги фазавий ўтиш соҳасида зарраларараро ўзаро таъсир ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

суперион ҳолатининг фазавий ўтиш соҳасида энергетик параметрларини термик бошқариш имконияти аниқланган;

микроионика ва электроника ихчам қурилмалар қисмларини самарали совутиш учун LnF_3 СИ кристалл бир жинсли қизимаган панжарасининг иссиқлик энергиясини узатиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умум қабул қилинган илмий қарашлар, маълум физик қонунлар ва экспериментал усуллар, конденсирланган ҳолатлар физикасида апробация қилинган ва фойдаланилган LnF_3 кристалл панжарасида “квази-суюқ” ҳолатларнинг пайдо бўлиш жараёнларини ўрганишда тадбиқ қилиниши билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, LnF_3 панжарасида ички ҳаракатнинг энергетик параметрларини ҳисоблашнинг янги усулини ишлаб чиқилганлиги, ушбу турдаги кристалларда фазавий ўтишнинг шаклланиш механизмини ва LnF_3 бир жинсли қиздирилмаган намунаси орқали лазер нури ўтишидаги оптик эффект механизмини тушунтириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори ионли ўтказувчанликка эга янги авлод наноматериаллар олиш ва ҳисоблаш параметрлари орқали наноматериаллар хоссаларини бошқаришнинг янги мезонларини яратиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суперионли трифторидларда LnF_3 (Ln – La, Ce, Pr) кооператив жараёнлар ва ички ҳаракатланишнинг структуравий ва динамик хусусиятларини аниқлаш асосида:

ҳаракатланувчи фтор ионлар концентрациясининг ҳарорат динамикаси ҳақидаги тажриба натижалари А14-Ф024 рақамли «Берилган хусусиятларга эга оптик қопламаларни яратиш учун катта Қуёш печида нанокомпозитли материаллар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» лойиҳасида қуёшли элементларда анти акс эттирувчи қопламаларни олишдаги тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 25 июлдаги 2/1255-2049-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш композит наноматериалларга асосланган анти акс эттирувчи қопламаларни ишлатишда пластмасса учун нурланишни 4,7% га ва шишали асослар учун 2,2 % га оширишга ҳамда қуёш батареяларнинг ФИКни ошириш имконини берган;

ҳаракатчан ионларнинг ўз-ўзини ташкил этиш модели ва бир хилда қиздирилмаган кристалл панжараларда ионларнинг оммавий микрокўчишлари орқали ортиқча иссиқлик энергияси ҳисоблаш натижалари ОТ–Ф-2–061 рақамли «Яримўтказгичлардаги ва ўлчамли квант ўралардаги қутбли фотогалваник эффектлар» лойиҳасида турли хил панжара конфигурациясига эга бўлган ионлар массивида мобил ионнинг энергия параметрларини моделли ҳисоблашларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 29 июлдаги 89-03-2835-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш турли хил панжара конфигурациясига эга бўлган ионлар массивида мобил ионнинг энергия параметрларини ўрганиш чегараларини кенгайтиришга имкон берган;

иссиқлик узатишни тавсифлашдаги янги ёндашув ва солиштирма иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар хорижий журналларда (Physics of the Solid State, 44, 2002, 1085—1092, IF=0,95; Physics of the Solid State, 45, 2003, 2093—2098, IF=0,95; Physics of the Solid State, 46, 2004, 1933—1934, IF=0,95) янги назарий ёндашувларни синаб кўриш, метастабил оптик ютилиш ва тетраборат литий Li2B4O7 кристалларининг люминесценция қонуниятларини аниқлаш, LiCuVO4 кристаллдаги суперионли кўчиш мавжудлигини ўрнатиш ва LiCuVO4 суперион кристаллдаги иссиқлик сиғимини ўзгариши бўйича янги экспериментал маълумотларни олиш учун қўлланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш Li2B4O7 литий тетраборат кристалларининг метастабил оптик ютилиши ва люминесценциясининг янги қонуниятларини ўрнатишга, LiCuVO4 кристаллда суперионли кўчишнинг мавжудлигини ўрнатишга ва суперионли LiCuVO4 кристаллнинг иссиқлик сиғими ўзгариши бўйича янги тажрибавий маълумотларини олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг асосий натижалари 11 та халқаро ва республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 34 та илмий ишларда чоп этилган, улардан 1 таси монография, махаллий нашрлардаги 11 та мақолада чоп этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсиф этилган нашрлардаги 11 та мақолада чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 52 та расм, 5 та жадвал ва 145 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан бирга 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва муҳимлиги асослаб берилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қаттиқ жисмларда ионли кўчишлар: суперионли ўтказгичларда ионли ҳаракатнинг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида ҳар хил турдаги структуравий ўзгаришларга эга қаттиқ электролитларда аномал интенсив ички ҳаракатланиш муаммоларининг ечимига доир қисқача адабиётлар шарҳи келтирилган. Қаттиқ жисмларда ички харакатлашнинг энергетик ва вақт параметрлари – тартибсиз панжаралар E_a активация энергияси ва зарралар ҳаракатини чегараловчи E_m потенциал барьерани аниқлаш имконини берувчи ноэластик ёруғлик сочилиши – комбинацион сочилиш (КС) ва квазиэластик ёруғлик сочилишлари батафсил ўрганилди.

Диссертациянинг «LnF_3 кристалларида структуравий тартибсизликни тадқиқ қилиш учун экспериментал қурилмалар ва усуллар» деб номланувчи иккинчи бобида тадқиқот объекти сифатида олинган нодир ер LnF_3 трифторидларнинг ўзига хос структуравий хусусиятлари қараб чиқилган ва кристалларда струкутавий тартибсизликни тадқиқ қилишни амалга ошириш учун қурилмалар тавсифи келтирилган.



а) LnF_3 кристалларининг идеал гексагонал структураси


б) LnF_3 кристалларининг ҳақиқий тригонал структураси

1-расм. СИLnF_3 кристалларининг структуралар фрагменти

Ҳозирги кунда LnF_3 кристаллари изоструктуралар қаторига кирувчи, LnF_3 структураларига (тисонит структуралари) эга бўлиб, уларнинг тузилиши эса элементар ячейкада олтита ифодали бирликли тригонал системанинг $P\bar{3}c1$ фазовий гуруҳлари билан мос келади деб қабул қилинган.

Бу ерда, хақиқий структура идеаллаштирилган гексагонал $P6_3\ mcm$ структураларидан бирмунча “кам” оғишга эга (1 б-расм).

2-расмда икки қўшни анион-катион (асосли) текисликлар қўшилган LnF_3 идеаллаштирилган структуралари тасвирланган (юқорида фтор ионларининг “кичик” кўчиши келтирилмаган). Расмдан кўриниб турибдики икки қўшни анион-катион текисликлари орасидан бир нечта ромбоэдрик бўшлиқни ажратиб олиш мумкин. Кейинчалик, бундай бўшлиқларнинг ўртача ўлчами фтор ионлари ўлчамининг 96 % аторофида ташкил қилиши кўрсатилади. 2-расмда F_2 ионлар “қалпоқчалари” орасидаги кўпёқ ромбоэдрик тугунлар оралиғидан иборат.



Ромб кўринишидаги кўп қиррали тугунлараро текислик

2-расм. Тугунли идеаллаштирилган LnF_3 панжаралар фрагменти


Ўхшаш тугунлар оралиғи (1-б расмда яқин локал минимумлар бўйича ички тугунли фтор ионларнинг микро силжиши ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган) иссиқлик кўринишида деярли фтор ионлари ўлчамигача ошиши ва фтор ионларининг кўчишида фаол иштирок этиши кўрсатилган.

Биз томондан яратилган температурали қурилма намунанинг кичик ва нисбатан юқори температураларида ёруғлик сочилиш спектрларини олиш имконини беради. Паст температурали диапазон 80 – 310 К, юқори температурали соҳа эса 290 – 640 К температурлар соҳасини ташкил қилади.

Диссертациянинг “LnF_3 кристалл панжаралари тартибсизланиш жараёнининг структуравий параметрлари” деб номланувчи учинчи бобида анион панжараларида интенсив ҳаракатланишнинг физик механизмларини аниқлаш мақсадида LnF_3 кристаллари бир нечта КС чизиқи параметрларининг температуравий хоссалари таҳлили натижасида олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

3-расмда КС чизиқлари 370, 392 $см^{-1}$ (LaF_3) ва 404 $см^{-1}$ (PrF_3) частоталарини температурага боғлиқлиги келтирилган. Тригонал структуралар ва LnF_3 трифторид ЯМР спектрлари натижалари учун симметрик муносабатни ҳисобга олиб, F_1 ионлар тугунида бир- бири билан, $\varphi = 120^0$ чизиқли бурчак остида ажралган *XY* текисликларида учта локал минимумларга эга бўлиши кўрсатилган (1 б ва 4-расмлар). Бундай минимумлар 5-расмнинг чап томонида қора нуқталар билан белгиланган. LaF_3 панжаралар учун бундай тугунлар оралиқлар ўлчамларини аниқлаш учун ҳисоблаш ишлари келтирилган.


СИ фазадаги энг кўп тартибсиз ионлар сони тугунлар орасидаги ионлар сонидан икки марта кам, тартибсиз ионлар чегаравий (максимал) улуши эса $n_{max}= 0{,}5N_2/N_1 = 3/18 \approx 0{,}16$ га тенг ($N_1 = 18$ –ячейкадаги ионларнинг умумий сони, $N_2 = 6$ – потенциал тугунлар оралиғининг тўлиқ сони).



а) 370, 392 см $^{-1}$ тебраниш чизиқлари

б) 376, 404 см $^{-1}$ тебраниш чизиқлари


3-расм. КС чизиқлари частоталарининг температурага боғлиқлиги



а) F_1 ионлар панжарасида ажралган тугунлар

б) F_2 ионлар панжарасида ажралган тугунлар

4-расм. Анионли панжара тугунларида энергетик рельефлар схемаси



Марказдаги крест – тугунлар оралиғи


Тугунлар оралиғи ҳосил бўлиш схемаси

5-расм. Кристалл панжарада нисбатан катта тугунлараро бўшлиқнинг хосил бўлишини аниқловчи LaF_3 структуранинг ўзига хос хусусиятлари

Диссертациянинг “LnF_3 кристалларида фазавий ўтишлар соҳасида ионли ҳаракатланишнинг энергетик параметрлари” деб номланувчи тўртинчи бобида ноэластик ёруғлик сочилиши бўйича олинган тажриба натижалари асосида СИ LnF_3 кристалларида ички ҳаракатланишнинг энергетик параметрлари ўрганилган ҳамда ДЭ ва СИ холатлар учун динамик харакеристикалар тавсифланган. Бобнинг бошида оптик тажриба натижалари талқин қилувчи янги ёндашув тавсифланган. LnF_3 кристалларининг тебраниш спектрларида чизиқлар кенглиги Γ нинг 250-420 К температуралар соҳасида биринчи яқинлашишдаги (кичик ангармоник улушни ҳисобга олмаганда) температуравий боғлиқлиги қуйидагича ифодаланиши кўрсатилган:

$$\Gamma(T) = \Gamma_0 \exp(-E_a/kT). \qquad (1)$$

Бу ерда Γ_0 – юқори температурадаги спектр чизиқлари кенглиги, E_a – бир ажоалган ҳолатдан бошқасига ўтган зарралар (ионлар) кўчиши билан боғлиқ активация энергияси. СИ кристалларида кўчиб юрадиган ионлар диссипация энергияларини таҳлил қилиш асосида, бундай ионлар иссиқлик энергияси, асосан янги панжарали ҳолатда потенциал энергияларнинг ортиши, шунингдек фтор ионлари кўчишини “сезувчи” яқин N зарралар ортирма потенциал энергияси кечувида бўлиши кўрсатиб берилган.



Пунктир стрелкалар фтор ионларининг тахминий кўчишини ифодалайди

6-расм. F_1 ионларнинг тугунлар орасига ўтишида, LaF_3 панжарада фтор ионларининг кичик силжишлар схемаси

Энг яқин жойлашган N анионлар орасидаги кўчиб юрувчи ионлар иссиқлик энергияси тақсимотининг аниқ шакли маълум эмас, биринчи яқинлашишда (6-расм), E_a энергия, кўчиб юрувчи ионлар ва энг яқин N фтор ионлари орасида тенг тақсимланади деб қабул қилиш мумкин.

Бошқача айтганда, бирлик актда E_a деб номланувчи тартибсиз панжаралар энергияси, панжара энергияларнинг ортиши, кўчиб юрувчи ионларни қўшиб хисобга олганда $N + 1$ зарраларга тўғри келувчи E_a энергияларнинг тақсиоти кўринишида мавжуд бўлади.

Бунда, тугунлар орасидаги ҳар бир ион улар энергетик ҳолатларларнинг квантланиши билан мос ҳолда ΔE_a ўртача энергияга эга бўлади. Кўпчилик ҳолларда, тебраниш чизиқларининг кенглиги (1*) тенглама кўринишида ифодаланади, бу ерда E_a тартибсизлик активация энергияси ΔE_a энергия билан алмаштирилади


$$\Gamma(T) = \Gamma_0 \exp(-\Delta E_a/kT). \qquad (1^*)$$

E_a энергиянинг физик хақиқий қийматини аниқлаш учун ΔE_a ва E_a энергияларни бир-бири билан боғловчи қуйидаги муносабатни ҳисобга олиш керак (7-расм):

$$E_a = \Delta E_a(N+1). \qquad (2)$$


Агар, $\nu = \Delta U/h$ кўринишдаги тебраниш чизиқлари частотаси киритилса, у ҳолда ν катталик $U_0 \rightarrow U_1$ ўтишга мос келади ва асосий тебраниш частоталаридан бирига жавоб беради. У ҳолда ҳар бир анион тугунлараро энергияси ΔE_a, $\Delta\nu = \Delta E_a/h$ ифода билан мос холда, ажралувчи U_0 ва U_1 холатларнинг ғалаёнлантирувчи фактори ролини ўйнайди.

E_m ва E_d мос равиш-да фтор ионларининг миграция ва ҳаракат энергиялари, E_a – LnF_3 кристаллардаги анион панжаралари-нинг тартиб-сизлик энергияси LaF_3 ва PrF_3 учун 370 ва 376 $см^{-1}$ чизиқлари кенглиги Γ нинг $\ln(\Gamma/\Gamma_0)$ – $(1000/T)$ аррениус координаталарда температурага боғлиқлиги 9-расмда келтирилган.




7-расм. Фтор ионларининг тугунлараро кўчишида потенциал рельеф профилининг модел схемаси

ДЭ фазада (3-соҳа) тартибсиз жараёнлар энергетик параметрлари LaF_3 учун $E_a \approx 0{,}20$ эВ ва PrF_3 учун $E_a \approx 0{,}22$ эВ қийматлар билан, СИ фазада (4-соҳа) LaF_3 ва PrF_3 учун эса $E_a = 0{,}04$ эВ қийматлар билан характерланади. 380-450 К температуралар соҳасида LaF_3 учун $E_a = 0{,}28$ эВ ва PrF_3 учун (5-соҳа) $E_a = 0{,}30$ эВ қийматлар F_2 ва F_3 панжаралар билан боғлиқ ҳолда активация энергияларнинг ўртача қийматини қийматлар билан характерланади. 380-450 К температуралар соҳасида LaF_3 учун $E_a = 0{,}28$ эВ ва PrF_3 учун (5-соҳа) $E_a = 0{,}30$ эВ қийматлар F_2 ва F_3 панжаралар билан боғлиқ ҳолда активация энергияларнинг ўртача қийматини характерлайди. LaF_3 учун $E_a = 0{,}06$ эВ ва PrF_3 учун $E_a = 0{,}07$ эВ эга бўлган қийматлар эса F_1, F_2 ва F_3 панжаралар орасидаги ионларнинг интенсив кўчиш жойига эга бўлганда СИ ҳолатларда тартибсиз панжаралар билан мос ҳолда 6-соҳанинг текис камайган қисми учун жавоб беради. Кенг температуралар интервали учун E_a ва ΔE_a энергиялар қийматлари 1-жадвалда келтирилган.



ΔE_a энергия - U_0 ва U_1 асосий тебраниш ҳолатларга ажралувчи ғалаёнлантирувчи фактор.

8-расм. “Эрувчи” панжаралар тугунларининг ионлари ғалаёнланиши хисобига ν часто-тали КС чизиқларининг кенгайиш схемаси



T_{c1} и T_{c2} нуқталар КС-чизиқлар параметрларини аномал хусусиятларга эга соҳасини ифодалайди

9-расм. LaF_3 и PrF_3учун 370 ва 376 $см^{-1}$ КС-чизиқлари кенлиги Γ нинг температурага боғлиқлиги

Бир грамм LaF_3 га (кристалнинг зичлиги 5,94 г/$см^3$га тенг) тўғри келувчи ионлар сони устида ҳисоблашлар олиб борилган ва $n_{max}= 8{,}78 \cdot 10^{20}$ татартибсиз F_1 ионлардан ташкил топганлиги кўрсатилган. Кейинчалик $\pm e$ зарядли жуфт нуқтавий нуқсонлар диполь нуқсонлари деб номланади. Квазисуюқ модели доирасида r_{ij} масофадаги иккита танланган диполь нуқсонлари ўртасидаги ўзаро таъсир энергияси қуйидаги кўринишда ифодаланади

$$U_{ij} = -(2/3)(P^2/\varepsilon r^3_{ij})^2(1/kT), \qquad (3)$$

Бу ерда $P = el$ – тугунлар орасидаги ионлар ва улар вокансиялари ҳосил қилган электр диполи, e – электрон заряди (F_1 ионлар заряди), l = 0,256 нм - LaF_3 учун диполь елкаси (яқин тугунлардан F_1 ионларнинг ўртача сакраш масофаси), ε = 2,60 – диэлектрик сингдирувчанликнинг юқори частотали чегараси, kT = 0,0228 эВ ($T = T_c$ = 263 К). Бу ерда $P = el$ – тугунлар орасидаги ионлар ва улар вокансиялари ҳосил қилган электр диполи, e – электрон заряди (F_1 ионлар заряди), l = 0,256 нм - LaF_3 учун

1-жадвал

LaF_3, CeF_3 ва PrF_3 кристаллардаги панжараларнинг КС-чизиғи кенгайиш активация энергияси ΔE_a (эВ) ва тартибсизлик активация энергияси E_a (эВ)

Температуралар интервали, К	LaF_3 (370 $см^{-1}$)		CeF_3 (384 $см^{-1}$)		PrF_3 (376 $см^{-1}$)		Ўлчаш хатолиги, эВ
	ΔE_a	E_a	ΔE_a	E_a	ΔE_a	E_a	
140-180 (1)	$8{,}0\cdot10^{-3}$	$6{,}0\cdot10^{-2}$	$6{,}0\cdot10^{-3}$	$4{,}0\cdot10^{-2}$	$6{,}0\cdot10^{-3}$	$4{,}0\cdot10^{-2}$	$1{,}0\cdot10^{-3}$
200-250 (2)	$4{,}0\cdot10^{-3}$	$3{,}0\cdot10^{-2}$	$4{,}0\cdot10^{-3}$	$3{,}0\cdot10^{-2}$	$4{,}0\cdot10^{-3}$	$3{,}0\cdot10^{-2}$	$1{,}0\cdot10^{-3}$
260-290 (3)	$2{,}6\cdot10^{-2}$	$2{,}0\cdot10^{-1}$	$2{,}6\cdot10^{-2}$	$2{,}0\cdot10^{-1}$	$2{,}8\cdot10^{-2}$	$2{,}2\cdot10^{-1}$	$4{,}0\cdot10^{-3}$
300-370 (4)	$6{,}0\cdot10^{-3}$	$4{,}0\cdot10^{-2}$	$6{,}0\cdot10^{-3}$	$4{,}0\cdot10^{-2}$	$6{,}0\cdot10^{-3}$	$4{,}0\cdot10^{-2}$	$1{,}0\cdot10^{-3}$
380-450 (5)	$3{,}6\cdot10^{-2}$	$2{,}8\cdot10^{-1}$	$3{,}8\cdot10^{-2}$	$3{,}0\cdot10^{-1}$	$3{,}8\cdot10^{-2}$	$3{,}0\cdot10^{-1}$	$4{,}0\cdot10^{-3}$
460-620 (6)	$8{,}0\cdot10^{-3}$	$6{,}0\cdot10^{-2}$	$8{,}0\cdot10^{-3}$	$6{,}0\cdot10^{-2}$	$1{,}0\cdot10^{-2}$	$7{,}0\cdot10^{-2}$	$1{,}0\cdot10^{-3}$

Изоҳ: ангармоник ҳадларни баҳолаш, 80-140 К соҳада КС - чизиғи кенглиги ўзгариши орқали амалга оширилган.

диполь елкаси (яқин тугунлардан F_1 ионларнинг ўртача сакраш масофаси), $\varepsilon = 2{,}60$ – диэлектрик сингдирувчанликнинг юқори частотали чегараси, $kT = 0{,}0228$ эВ ($T = T_c = 263$ К).

Ҳисоблашлар асосида, LaF_3 намуналарнинг ўртача ҳажмда, (3) ифода бўйича диполлар орасидаги ўзаро таъсир энергияси, n_c диполь нуқсонлари концентрацияси $(1/3)n_{max}$ га тенг бўлган ҳолда критик нуқта яқинидаги ионлар иссиқлик ҳаракати энергияси $kT_c = 0{,}0228$ эВ билан солиштирганда, масофа $r_{ij} = 1{,}068$ нм га тенг эканлиги аниқланган. Тартибсиз F_1 ионлар ва улар вакансиялари массивида, диполь нуқсонлар концентрацияси $n_c = (1/3)n_{max} = 2{,}92\cdot10^{20}$ $г^{-1}$ га тенг бўлганда коллектив (кооператив) ўзаро таъсир ҳосил бўлади. Қолган $(2/3)n_{max} = 5{,}86\cdot10^{20}$ $г^{-1}$ қисми $T > T_c$ да F_1 ионлар тартибсиз ҳолатда бўлади. Фононлардаги классик сочилишдан ташқари, СИ кристалларида панжаралар структуравий жойлашуви бўйича ионлар массавий кўчиши билан шартланган ҳолда кичик частоталарда ($\nu \le 10$ $см^{-1}$) квази эластик ёруғлик сочилиши (КЭЁС) деб номланувчи ёруғлик сочилиши ҳам кузатилади. Ғалаёнлантирувчи чизиқлар қуввати 20-25 мВт гача камайганда, 2–3 $см^{-1}$ ғалаёнланиш чизиқларига мос келган ва 2–40 $см^{-1}$ ораликда КЭЁС ёрдамида қайд этилган.

80-640 К температуралар оралиғида кузатилган маълум оптик контурга эга КЭЁС қанотлари компьютер аппроксимацияси энг кичик ҳатоликка эга (≈ 15–20 %) сочилиш экспериментал эгри чизиқлари бир нечта Лоренц контурлари йиғиндисидан иборат эканлигини кўрсатади

$$I_i = I_o^i[\Gamma_i^2/(\nu^2 + \Gamma_i^2)]. \qquad (4)$$

Бу ерда I_i – ν частотага мос i – лоренциандаги интенсивлик, I_o^i – $\nu = 0$ нуқтадаги интенсивлик, Γ_i – $I_o^i/2$ нуқтадаги ярим кенглик.

Турли температурадаги кичик частотали сочилишларнинг батафсил қараб чиқиш, ғалаёнланиш турига мос равишда, ўзининг характеристик релаксация вақти $\tau_i = \nu_i^{-1}$ дан келиб чиқиб КЭЁС спектрлари учта марказий Лоренц контурлари йиғиндисида ифодаланишини кўрсатади. Бу ерда $\nu_i = 2\pi\Gamma_i$ – LnF_3 панжарадаги i – релаксацион модалар ўртача частотаси.


LaF_3 и CeF_3 учун уларнинг кенглиги 4-6 % дан катта бўлмаган қийматга фарқ қилувчи ўртача қиймати олинган параметрлар келтирилган. Ҳисоблашлар "тор" кўринишдаги лоренц контурлари ўртача қийматга келтирилган кенлик Γ_1 = 0,8–4,2 $см^{-1}$, "ўртача" лоренц кенглиги Γ_2 = 4,2–27 $см^{-1}$ ва "кенг" Γ_3 = 42–96 $см^{-1}$лоренц кенглигига эга эканлигини кўрсатади. КЭЁС тажриба натижаларидан лоренц кенглигини билган ҳолда, қуйидаги ифода орқали i-турдаги ўртача ғалаёнланиш вақти баҳоланган.

$$\Gamma_i = \nu_i/2\pi = 1/2\pi\tau_i \qquad (5)$$

Бешинчи ифода бўйича амалга оширилган ҳисоблашлар орқали, "тор" лоренц контурлари, LaF_3 и CeF_3 панжаралардаги ромбо шаклиидаги тугунлар орасидаги ҳар хил турдаги фтор ионлари билан боғлиқ $\tau_1 \approx (0{,}13–0{,}67)10^{-11}$ с релаксацион жараёнлар вақти, $\tau_2 \approx (0{,}20–1{,}27)10^{-12}$ с "ўртача" лоренциан вақти ва $\tau_3 \approx (0{,}56–1{,}27)10^{-13}$ с "кенг" лоренциан вақти аниқланди.

Умумий ҳолатда қуйидагича ёзиш мумкин (7-расм):

$$E_m = E_d + E_a. \qquad (6)$$



Ноль қийматга эга частотада лазер чизиқлари 10^4 марта камайганини кўрсатади.

10-расм.LaF_3 кристаллари КЭЁС спектрларининг "тор" лоренциан бўйича аппроксимацияси


Олдин таъкидлаб ўтилганидек, тугунлар орасига ионлар ўтиши, бир-бирига яқин жойлашган ионларни муҳитнинг диэлектрик сингдирувчанлигини локал ўзгартириши билан шартланган катта

амплитудали иссиқлик тебранишга эга энергетик сатхларга ўтказади. У ҳолда *i*-квазиэластик пиклар кенглиги Γ_i нинг температурага боғлиқ равишда ўзгаришини ифодаловчи қуйидаги муносабат орқали N ионлардан хар бирининг ΔE_d ўртача ғалаёнланиш энергияси параметрини баҳолаш мумкин:

$$\Gamma_i = \nu_i/2\pi = (\ /2\pi) g\nu_o \times \exp(-\Delta E_d/kT) \qquad (7)$$

Умумий ҳолда ΔE_d ни фтор ионларининг ғалаёнланувчи мувозанат ҳолати ва тугунлар орасига у ёки бошқа фтор ионлар ўтишини белгиловчи *i*-релаксацион модалар ғалаёнланишининг ўртача энергиясини характерловчи фактор сифатида қараш мумкин.

$$\nu_i = \tau_i^{-1} = g\nu_o \times \exp(-\Delta E_d/kT)$$



11-расм. “Кенг” лоренциан кенлигининг температурага боғлиқлиги

параметр бундай модаларнинг ўртача частотасини аниқлайди, $\tau_i = \nu_i^{-1}$ – *i*-турдаги кўчишни вужудга келтирувчи анион панжарадаги ғалаёнланиш релаксация вақти, g = 1/6 – LnF_3 панжараларининг структуравий фактори.

$\ln(\Gamma_i/\Gamma_o)$ – $1000/T$ аррениус координаталар системасида $\Gamma_i = \nu_i/2\pi = (1/2\pi)\times g\nu_o \times \exp(-\Delta E_d/kT)$ “кенг” лоренцианга тегишли катталик, демак $\Gamma_i = \Gamma_3$, $\Gamma_o = (1/2\pi)\times g\nu_o$, $\nu_o \approx 390$ см$^{-1}$ “кенг” Γ_3 лоренциан кенглигининг температурага боғлиқлик графигидан аниқланган (11-расм).

2-жадвал

LnF_3 (Ln = La, Ce) кристалл панжараларида фтор ионларининг ΔE_d релаксация энергияси ва активация E_d энергиялари қийматлари.

Интервал T, К	ΔE_d, эВ	E_d, эВ	Изоҳ
160 – 200	0,014	0,014	Ажралган тугунлардаги F_1 ва F_2 ионлар ҳаракати
200 – 240	–	–	Ўтиш соҳаси
240 – 270	0,035	0,28	Алоҳида F_1 ионлар ҳаракати
280 – 360	0,004	0,03	СИ фазадаги F_1ионлар ҳаракати
380 – 440	0,046	0,37	Алоҳида F_2 ва F_3 ионлар ҳаракати
460 – 640	0,005	0,04	СИ фазадаги F_2 ва F_3ионлар ҳаракати.

Фтор ионлари ҳаракати активация энергияси E_d ва ΔE_d қийматлари ва шунингдек уларнинг температуралар интервалида мос қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

Диссертациянинг “Структуравий тури LaF_3 бўлган суперионли кристалл панжараларда кооператив ҳодисалар” деб номланувчи бешинчи бобда бетартиб LaF_3 кристалл панжара мисолида, микроскопик ёндашув доирасида зарраларарo (коллектив) ўзаро таъсир механизими тавсифланган ва СИ LaF_3 кристалл панжаралари “эриш” жараёнининг энергетик жиҳатларини аниқловчи параметрларда ҳосил бўлувчи кооператив ҳадларни ҳисоблаш учун аналитик ифодалар олинган.

ФЎ структурали СИ материаллари учун тартибсизлик механизими етарли даражада ўрганилган ва батафсил баён қилинган. Тартибсиз хусусий структурали моддаларнинг катта сондаги синфи учун панжараларнинг биридан “квазисуюқ” ҳолатга (панжаралар симметрияси ўзгармаган ҳолда) ўтиш механизими тушунарли ва умумий тарзда баён қилиб берилган. Шу сабабли, кўп юкламага эга бўлмаган математик амаллар ва кенг тарқалган маълум ёндашувлар ҳамда усуллардан фойдаланган ҳолда кристалл панжаралар “эриш” жараёнининг реалистик тавсифлар асосида тузилган графикларни эътиборга олиб “квазисуюқ” панжараларда зарраларарo коллектив ўзаро таъсир энергетик параметрларини ҳисоблаш усулларининг зарурлигини ва долзарблигини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

СИ фазада нуқтавий нуқсонлар орасидаги ўзига хос таъсирлашув, макроскопик электр майдони мавжуд бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Бизнинг ҳолатда, бундай майдон сифатида, $\pm e$ зарядли (тугунлар орасида $-e$ заряд ва ғовак ичида $+e$ заряд) нуқтавий нуқсонлар юзага келтирган майдонни назарда тутиш мумкин. У холда, Гуревич-Хуберман моделидан фойдаланиб СИ фазада кристалл панжарадаги n нуқтавий нуқсонлар ҳосил бўлиш энергиясини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин

$$E(n) = nE_a - \lambda f(n). \qquad (8)$$

Ифоданинг ўнг томонидаги биринчи ҳад ўзаро таъсирлашмайдиган (изоляцияланган) n Френкел нуқсонлари ҳосил бўлиш энергиясини англатади, E_a– шу каби нуқсонлар ҳосил бўлиш энергияси. Иккинчи ҳад кўп сонли нуқтавий нуқсонларда зарралар орасидаги коллектив ўзаро таъсир натижасини ҳисобга олувчи катталик, λ – тугунлар орасидаги ионлар ва вакансиялар системасида натижавий ўзаро таъсирни характерловчи параметр (улар орасидаги тортишиш $\lambda > 0$ қийматга мос келади), $f(n)$ – нуқтавий нуқсонлар сонининг ночизиқли функциялари. Одиий моделларда жуфт нуқсонлар ўзаро таъсирлашув сонини баҳолашда $f(n) = n^2/2$ га тенг деб олинади ва (8) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$E(n) = nE_a - \lambda n^2/2. \qquad (9)$$

Бу ерда λ параметр иккита жуфт нуқтавий нуқсонлар ўзаро таъсир ўртача энергияси учун аниқ маънога эга, n– қарама-қарши жойлашган $\pm e$ зарядли жуфт нуқтавий нуқсонлар сони. Олдинда λ параметрни ҳисоблашнинг муаллиф томонидан ишлаб чиқилган модели келтирилган (Гуревич–Хуберман моделидаги каби графикларсиз ночизиқли тенгламалар ечими келтирилган).

Муаллифлик моделлари бўйича мувозанатли жуфт нуқсонлар сонлари шартида жуфт френкел нуқсонларидан бирининг ҳосил бўлиш энергияси u ни $E(n+1) - E(n)$ энергиялар фарқи кўринишида ёзиш мумкин. У ҳолда (9) ифодани ҳисобга олган ҳолда ўзаро таъсирлашувчи нуқсонлар ансаблида жуфт нуқсонлардан бирининг ҳосил бўлиш энергиясининг n га боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$u = E_a - \lambda n. \qquad (10)$$


